



ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИНИНГ МАХСУС ПРОФИЛАКТИКАНИ АМАЛГА ОШИРИШДАГИ ҲАМКОРЛИГИ

Усмонова Суғдиёна Эшмамат қизи

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси 313-гуруҳ курсанти

Аннотация: Ушбу мақола орқали профилактика инспекторининг профилактика турларидан бири бўлган маҳсус профилактикани амалга оширишидаги ҳамкорлик масаласига тўхталиб ўтилади.

Калит сўзлар: профилактика инспектори, умумий профилактика, маҳсус профилактика, ҳамкорлик, ҳуқуқ-тартиботни сақлаш, маҳсус профилактик тадбирлар.

Бугун юртимизда халқчил ва демократик тамойилларга асосланган янги давлат барпо этмоқдамиз. Шу мақсадда, аввало, бебаҳо бойлигимиз бўлган тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашга энг муҳим вазифа сифатида устувор аҳамият қаратилаётимоқда. Шу билан бирга, 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси ҳамда уни “Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили”да амалга оширишга оид давлат дастури билан адолат ва қонун устуворлигини таъминлаш, мамлакат хавфсизлигини кучайтириш борасида ички ишлар органлари олдига ҳам бир қатор долзарб вазифалар қўйилди.

Бугунги кунда ички ишлар органларининг профилактика инспекторлари ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишга энг асосий ваколатли субъектлардан бири бўлиб, ўз фаолияти жараёнида ҳуқуқ-тартиботни сақлаш ҳамда мустаҳкамлаш, ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, уларга баҳам бериш, шунингдек, ҳуқуқбузарликлар содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш мақсадида қўлланиладиган ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг умумий, маҳсус, якка тартибдаги ва виктимологик чора-тадбирларни амалга оширишда бевосита давлат ва нодавлат ташкилотлари, жамоат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш бошқариш органлари, аниқроқ айтганда, жамоат тузилмалари билан ҳамкорлик қиласи.

Профилактика инспектори жамоат тузилмалари билан ҳамкорликдаги фаолияти ўзига биритирилган ҳудудда жамоат тузилмалари билан жамоат тартибини сақлаш ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, жиноят ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш, жиноятчиликка қарши кураш ва аҳолига ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам қўрсатишаг қаратилан, муайян вақт ва жойда амалга ошириладиган, усул ва воситаларга эга, қонун ҳужжатлари билан тартибга солинадиган ижтимоий-ҳуқуқий муносабатлар йигиндисидир. Шу нуқтаи назардан қаралганда, профилактика инспекторларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишда жамоат тузилмалари билан ҳамкорлиги:

Биринчидан, ушбу соҳадаги қонунчиликнинг ижросини таъминлашда,



Иккинчидан, профилактика инспекторларининг хукуқбузурликлар профилактикаси фаолиятини янада самарали ташкил этишга хизмат қиласди,

Учинчидан, аҳолининг барча қатламларига бирдай профилактик чоратадбирларни қўллашда тезкорлик ва тежамкорликка эришиш учун муҳимдир. Бундан ташқари, шуни алоҳида таъкидлаш керакки, профилактика инспекторлари кенг жамоатчилик, меҳнат жамоалари ва бошқа фуқаролик жамияти институтларининг фаол ёрдамига таянган ҳолда ички ишлар оранларининг соҳавий хизматлари ҳамда ҳукуқни муҳофаза қцилувчи бошқа идоралар ҳамкорлиқда қонунчилик ва ҳукуқ тартиботини мустаҳкамлаш талабларини бажаришга маъсул субъект ҳисобланади.

Юқоридагиларга асосланиб **хulosा қиласиган** бўлсак, профилактика инспекторининг жамоатчилик тузилмалари билан ҳамкорлигини самарали ташкил этиш, нафақат жамиятда содир этилаётган ҳукуқбузарликларнинг олдини олишга, балки аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини шаклллантиришга хизмат қиласди.